

## ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Ражабов Назиржон Раззакович

ТДИУ “Университет 3.0” халқаро ўқув, илмий-инновацион тадқиқотлар  
маркази сектор мудири

E-mail: [ekologtdiu-07@mail.ru](mailto:ekologtdiu-07@mail.ru)

**Аннотация:** Мақолада инвестицион муҳит жозибadorлигини ҳисоблаш индикаторлари ва баҳолашнинг илмий-услубий жиҳатлари таҳлили ёритилган, шунингдек давлат инвестиция сиёсати ҳамда ҳудудий ривожланиш сиёсати модернизациясининг муҳим йуналишларидан бири сифатида инвестицион салоҳиятдан самарали фойдаланиш имкониятлари Навоий ЭИЗ и мисолида тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** инвестиция, инвестицион салоҳият, инвестицион муҳит жозибadorлиги, ҳисоблаш индикаторлари, баҳолаш.

**Аннотация:** В данной статье анализирована научно-методические аспекты индикаторов расчета и оценки привлекательности инвестиционной среды а также даются рекомендации по повышению инвестиционной привлекательности и создания благоприятного инвестиционного климата в регионе на примере СЭЗ Навои.

**Ключевые слова:** инвестиции, инвестиционная привлекательность, индикаторы расчета, оценка привлекательности инвестиционной среды .

**Abstract:** This article analyzes the scientific and methodological aspects of the indicators for calculating and assessing the attractiveness of the investment environment and provides recommendations on how to increase investment attractiveness and create a favorable investment climate in the region using the Navoi FEZ as an example.

**Keywords:** investment, investment environment, investment attractiveness, calculation indicators, assessment of the attractiveness of the investment environment.

### Кириш

Глобаллашув шароитида инвестицион муҳит жозибadorлиги ва салоҳиятини баҳолаш, ишлаб чиқарувчи кучларнинг оқилона жойлашуви таъсирини таҳлил қилиш, ҳудудлараро вужудга келадиган табиий-демографик, маъмурий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тафовутларни ҳосил қиладиган омилларни аниқлаш, баланслашган ҳудудий инвестицион сиёсатни шакллантириш, инвестицион фаолликни таъминлаш орқали миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирда бутун жаҳон бўйлаб COVID-19 пандемияси ҳукм сураётган шароитда барча иқтисодий қадриятлар, халқаро ташкилотлар, иқтисодчи олимлар томонидан минтақаларнинг ривожланиши билан боғлиқ прогноз кўрсаткичлари қайтадан ислоҳ этилмоқда. Инвестицион жозибadorликни таъминлайдиган индикаторлар сафига хавфсизлик, санитария-гигиена ва аҳолининг соғлиги билан боғлиқ кўрсаткичларни инобатга олиш бирламчи аҳамият касб этиб бормоқда.

Зеро, коронавируснинг олдини олиш мақсадида, дунё аҳолисининг деярли ярми карантинга олинди. Алалоқибат, йирик заводлар тўхтади, транспорт ва туризм соҳаси турғунликка юз тутди. Ишсизлик, молия бозорлари таназзули, хуллас, дунёда

ялпи талаб ва ялпи таклифнинг параллел равишда қисқараётгани эса “ноёб” иқтисодий инқироз бошланаётганлигидан дарак бермоқда. Ўз навбатида, тождор вирус биологик вирус бўлибгина қолмасдан, иқтисодий вирус тусини олаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Ҳатто бугун кўпчилик унинг зарбаларини ҳозирданоқ ҳис қиляпти. Бинобарин, дунё биологик вирус ва иқтисодий вирусни енгиш билан боғлиқ икки ўт орасида қоляпти.

Инсонларнинг ҳаёти, уларнинг соғлиги, тинчлигини сақлаб қолиш, фаровон турмуш кечириши учун барча чораларни яратиш, хавфсизлигини кафолатлаш ҳар қандай давлатнинг бирламчи вазифаларидан ҳисобланса, (танганинг бир томони), уни таъминлашга хизмат қиладиган иқтисодий неъматларни ишлаб чиқариш, аҳолининг даромад манбаини сақлаб қолиш, инвесторлар мулкани ҳимоя қилиш, мол-мулкига раҳна соладиган салбий таъсирларнинг олдини олиш эса, танганинг иккинчи томони ҳисобланади.

Халқаро валюта жамғармаси 2020 йил учун эълон қилган янги прогнозларига кўра, базавий сценарий бўйича пандемия натижасида глобал иқтисодиёт бу йил 3 фоиз пасайиши кутилаётир. Бу, жорий йилнинг январь ойида эълон қилинган прогноздан 6,3 фоиз пункт пастдир. Агар вирус билан курашиш чўзилиб, карантин йилнинг иккинчи ярмида ҳам давом этадиган бўлса, унда глобал иқтисод 6 фоиз пасайиши мумкинлигидан хавотирга тушишмоқда.

Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) ижрочи директори Кристалина Георгиеванинг айтишича, 2020 йил кескин иқтисодий пасайиш йили бўлиб, 170 та давлатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган иқтисодий ўсиш суръати манфий бўлиши кутиляпти. Ҳаттоки 2021 йилда ҳам дунё иқтисодининг тикланиши катта сўроқ остида қолмоқда. Инқирозга қарши жаҳон давлатлари томонидан 8 трлн. АҚШ долларига тенг фискал ва монетар чоралар кўрилиши бошлаб юборилди. Унинг фикрига кўра, кутилаётган глобал иқтисодий пасайиш миқёси ўтган асрнинг 30-йилларидан бери кузатилмаган экан.

Айни дамда ХВЖ томонидан дунё иқтисодиётининг мажруҳ бўлишини юмшатиш мақсадида 1 трлн. АҚШ доллари қийматида “хавфсизлик ёстиқчаси” яратилган. Ҳозирча коронавирус пандемияси ўзининг чўққисига келмагунига қадар, жаҳон иқтисодиёти қанча зарар кўрганини ҳисоблаш қийин. Аммо шу нарса аёнки, иқтисодиёт учун инқироз босими баланд бўлади ва қайта тикланиши учун 3-4 йил вақт йўқотилади.

Шунингдек, ХВЖ яқинда юқорида зикр этилган статистик кўрсаткичларини янгилагани ҳолда навбатдаги прогнозини эълон қилди. Унга кўра, 2020 йилда рецессия 194 мамлакатдан 157 тасида қайд этилади. АҚШ иқтисодиёти 5,9, евро ҳудудда 7,5 фоиз пасаяди, Хитойда эса ўсиш 1,2 фоизгача секинлашиши, Ливанда 12, Грецияда 10, Хорватия ва Черногорияда 9 фоизгача тушиши кузатилар экан.

Ҳозирда жаҳонда жадал суръатларда кенгайиб бораётган инвестиция жараёнларига мувофиқ инвестицион муҳит жозибадорлигини баҳолаш, уларга ишлаб чиқарувчи кучларнинг оқилона жойлашуви таъсирини ўрганиш, ҳудудлар ўртасида вужудга келадиган табиий-демографик, маъмурий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тафовутларни аниқлаш, баланслашган ҳудудий инвестицион сиёсатни шакллантириш, инвестицион фаолликни таъминлаш орқали инвестицион муҳит жозибадорлигини

аниқлаш ва унинг инновацион-инвестицион омиллари таҳлилини амалга ошириш долзарблик касб этмоқда.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Маълумки, ҳудуд инвестицион жозибаторлигини баҳолаш бўйича аниқ услубият бирор-бир халқаро меъёр ёки тартиб билан белгиланмаган, шу боис охири вақтларда, хусусан бутун жаҳонда ҳукм сураётган COVID-19 пандемияси шароитида инвестицион жозибаторликка оид кўрсаткичларни ҳисоблаш бўйича турли услубиятлар олимлар томонидан таклиф этилмоқда.

Ҳудудлар инвестицион муҳит жозибаторлигини таъминлаш ва унинг индикаторлари билан ифодаланувчи омиллардан оқилона фойдаланиш, уларни самарали бошқариш билан боғлиқ тадқиқотлар нисбатан янги йўналиш бўлиб, бу борада чуқур изланишларни амалга оширишни талаб этади.

Мамлакатимизда бу соҳадаги мавжуд илмий-методологик базанинг таҳлили асосида инвестицион муҳит жозибаторлигини ҳисоблаш индикаторлари ва баҳолашнинг илмий-услубий жиҳатларини ўрганишнинг қуйидаги йўналишларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

1. Минтақавий иқтисодиёт мактаби олимлари (М.Абдусаломов, К.Абирқулов, Н.Аимбетов, Т.Ахмедов, А. Содиқов, А. Солиев, А.М.Қодиров, А.А.Қаюмов, Ф.Т. Эгамбердиев)нинг [1,2,3,4] ҳудудий ишлаб чиқариш комплекслари, иқтисодий районлаштириш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш концепциялари.

2. Миллий инвестицион сиёсат мактаби олимлари (Ш.Б.Имомов, Ш.Х. Назаров Д.Ғ.Ғозибеков, Н.Ҳайдаров, Н.Ғ.Каримов, Р.З.Юлдашев, Ф.Ў.Додиев, Н.Р. Кузиева, Ш.Р.Ражаббаев, Б.Ш.Муминов, М.А.Раимжанова, М.Х.Элмуродов, С.А. Нуриддинов, Б.Қ.Ҳошимов, А.Х.Худайбердиев) [5,6,7,8,9,10,11,12]нинг ҳудудлар рақобатбардорлигини таъминлаш мақсадида самарали инвестиция сиёсати концепциялари.

3. Инвестицион-инновацион салоҳият, инвестицион муҳит, инвестицион самара ва инвестицион муҳит фаоллигини ошириш мактаби вакиллари (Ш.Мустафақулов, У.Мадраҳимов, А.Сабилов, С.А.Абдурахимова, А.Ҳ.Эргашев)нинг [13,14,15,16,17] Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибаторлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш концепциялари.

### **Тадқиқот методологияси**


Юқоридаги йўналишлардан учинчиси ва унинг таркибидан Ш.И.Мустафақулов томонидан яратилган инвестицион муҳит жозибаторлигини ҳисоблаш индикаторлари ва баҳолашнинг илмий-услубий жиҳатларини ўрганиш методологиясини асос қилиб олишимизга, унинг қуйидаги **жиҳатлари** сабаб бўлди:

- мазкур методологиянинг ҳозирги кунда ҳудуд инвестицион муҳит жозибаторлигини аниқлашга оид мавжуд услубиётлар моделлари шарҳи, баҳолаш параметрлари тавсифи ва қиёсий таҳлилига таянганлиги;
- замонавий ва тизимли ёндашувга таянган илмий асосларнинг мавжудлиги;
- ҳудуд инвестицион жозибаторлигини ҳисоблаш индикаторлари тавсифида натижавийликка асосланган ҳолда ҳар бир индикаторнинг аниқ иштирокининг баҳоланиши ва улар юзасидан ҳудудда фойдаланилмаган имкониятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ қарашларнинг ўрин олганлиги.

### Таҳлил ва натижалар

Мазкур тадқиқотимизда маҳаллий иқтисодчи олим Ш.Мустафақулов томонидан ишлаб чиқилган ҳудудларнинг инвестицион жозибadorлигини баҳолайдиган комплекс омиллар гуруҳига тегишли бўлган изланишларига кўпроқ устуворлик қаратган ҳолда (1-расм) таҳлилларни амалга оширамиз.

Изланишларга кўра олинган натижаларнинг объективлик, ишончлилик даражасини ошириш учун оператив ҳисоб-китоблардан ташқари, ҳисоб-китобларни динамикада, камида беш йиллик давр бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳудудлар фаоллиги трендини ва бенчмаркенг усулини қўллаган ҳолда муваффақиятга эришган, итисодий кўрсаткичлари бўйича рейтингда юқори поғоналарни эгаллаган ҳудудлар тажрибасини эталон сифатида эътироф этишга имконини беради. Ушбу тренд бўйича ҳудудларнинг "олдинги" йиллардаги жозибadorлигини сақлаш ва кейинги SWOT-таҳлил учун муаммоли ҳудудларни аниқлашга эришилади.



1-расм. Инвестицион муҳит жозибadorлигини аниқлаш омиллари [13].

Маълумки, инвестицион жозибаторлик қийматини унга таъсир кўрсатадиган омиллар, мавжуд рискларни инобатга олган ҳолда ҳисоблашда бир қатор услублар ишлаб чиқилди. Ушбу услубий моделлар ва келтириладиган формулалар муқаддам қилинган тадқиқот ишлари ва турли даврларда олимлар томонидан олиб борилган изланишларни таҳлил қилиш ва ўрганиш маҳсули бўлиб, қайсидир маънода улар томонидан қўлланилган ҳисоб-китобларнинг модификацияланган варианты ҳисобланади.

Қайд этилган услубларда олимлар инвестицион жозибаторликни ҳудудий кесимда ёки тармоқ кесимида икки бўлиб аниқлашни тавсия этишган бўлса, бизнинг мисолимизда эса, иккаласи ҳам битта комплекс услуб (формула) орқали изоҳланади:

$$ИЖ_{kj} = X * ИЖ_{xj} + Y * ИЖ_{Tj} \quad (1)$$

Бу ерда,

**ИЖ<sub>kj</sub>**– j ҳудуднинг комплекс инвестицион жозибаторлиги;

**ИЖ<sub>xj</sub>** – j ҳудуднинг маълум бир (таҳлил қилинаётган) ҳудудининг инвестицион жозибаторлиги;

**ИЖ<sub>Tj</sub>**– j ҳудуд маълум бир тармоғининг инвестицион жозибаторлиги;

**X, Y** – ҳар бир инвестицион жозибаторлик кўрсаткичларининг солиштирма оғирлиги.

Минтақани ҳудудий ва тармоқ бўйича инвестицион жозибаторлик кўрсаткичларини баҳолаш учун қуйидагиларни аниқлаш лозим: иқтисодий қайтим (инвестиция маблағлари йўналтирилган бизнестан (объект) келадиган даромад); инвестиция rischi (минтақанинг (ҳудуд ва тармоқ бўйича) турли хилдаги риск даражаси ҳисобланади).

$$ИЖ_{x(t)j} = ДД_{x(t)j} * (1 - РД_{x(t)j}) \quad (2)$$

Бу ерда,

**ИЖ<sub>x(t)j</sub>**– минтақанинг ҳудудий/тармоқ бўйича инвестицион жозибаторлиги;

**ДД<sub>x(t)j</sub>**– ҳудудий/тармоқ бўйича инвестиция маблағлари йўналтирилган бизнес (объект)нинг даромадлиги ёки иқтисодий қайтим;

**РД<sub>x(t)j</sub>**– ҳудуд/тармоққа йўналтирилган инвестициянинг riskлилик кўрсаткичи[13].

Бундан кўриш мумкинки, ҳудуд ёки тармоққа йўналтирилган инвестициядан келадиган даромад қайтими ва риск натижасида йўқотиладиган зарар ўртасидаги фарқ орқали инвестицион жозибаторликка баҳо бериш мумкин. Ҳудуд ёки тармоққа ўтган йиллар кесимида асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори ҳамда таҳлил қилинаётган йилда олинган фойда ўртасидаги нисбий миқдор иқтисодий қайтим кўрсаткичини намоён этади. Бир вақтнинг ўзида ҳудудда бир қанча тармоқларга инвестициялар киритилганлиги ва улардан келадиган (ҳар бир объектдан келадиган фойда) фойда нормаси турлича бўлганлиги боис, иқтисодий қайтим кўрсаткичи ўртача ҳудудий қиймат бўйича олинади:

$$ДД_{x(t)j} = \frac{ЯХМ(1-БТ)(1-С)-И}{И} \quad (3)$$

**И**

Бу ерда,

**ЯХМ**–ялпи ҳудудий маҳсулот;

**БТ**– бюджет тақчиллиги;

**С** – ўртача солиқ ставкаси;

**И** –инвестициялар.

Бир вақтнинг ўзида мамлакат ҳудудларининг бир қанча тармоқларига инвестициялар киритилганлиги ва улардан келадиган (ҳар бир объектдан келадиган) фойда нормаси турлича бўлганлиги боис, иқтисодий қайтим кўрсаткичи ўртача ҳудудий қиймат бўйича олинади:

$$\frac{ДДХ(т)j}{И} = \frac{МН}{И} \quad (2.)$$

Бу ерда,

**ДДХ(т)j** – иқтисодий қайтим (даромадлилик даражаси) кўрсаткичи;

**МН** – фаолиятнинг молиявий натижаси сальдоси (фойда/зарар);

**И** – ўтган йилда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар (минтақа кесимида).

Маълумки, ҳудудда кўплаб корхоналар фаолият юритади. Ушбу корхоналарга киритилган инвестициялар (асосий капиталга) маълум вақт ўтгача даромад келтира бошлайди, умуман, фойда ва зарар ўртасидаги сальдолар йиғиндиси ҳудуд бўйича иқтисодий қайтим кўрсаткичини ҳосил қилишини англаган ҳолда, биринчи формулани қуйидагича такомиллаштирамиз:

$$ИЖкj = ДДХj * (X * (1 - РДХj) + Y * (1 - РДтj)) \quad (5)$$

Инвестиция рискининг мавжудлиги ва унинг натижасида даромад йўқотилишини эътиборга олиб, рисклилик даражасини, албатта, ҳисоблаш талаб этилади. Бунинг учун ўртача арифметик формула орқали таваккалчилик (рисклилик) кўрсаткичини келтириб чиқарамиз:

$$РДj = \frac{\sum ХК * x_o \sum x_o}{\sum x_o} \quad (6)$$

Бу ерда,

**РДj** – мамлакатнинг таваккалчилик даражаси;

**ХКi** – инвестиция рискининг хусусий кўрсаткичи;

**xoi** – эксперт усули орқали ҳисобланадиган хусусий кўрсаткичнинг вазни;

**n** – хусусий кўрсаткичлар миқдори;

**i** – хусусий кўрсаткичлар индекси.

Ҳудуд инвестицион жозибadorлигини белгиловчи бош кўрсаткич, ҳудуднинг ишбилармонлиқва бизнес муҳити ҳисобланади. Ҳудудларда шаклланган ишбилармонлик ва бизнес муҳитини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2020 йил 2 июнда имзоланган "Ўзбекистон Республикасининг Халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида" ги фармонидаги кўрсатмалар асос бўлиб хизмат қилади.

Мазкур Фармонда мамлакатнинг инвестициявий жозибadorлиги ва халқаро майдондаги имижини мустаҳкамлаш, давлат органлари ва ташкилотларида халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашнинг янги механизмларини жорий қилиш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсад қилинган.

Худуднинг ишбилармонлик ва бизнес муҳити индикаторлари тизимидан фойдаланилган ҳолда Навоий вилоятида шаклланган инвестицион муҳит жозибаторлигига ташхис қўйилди.

Худуднинг ишбилармонлик ва бизнес муҳити индикаторлари тизими 5 та йўналиш бўйича белгиланган омилларга кўра баҳолаб чиқилди, булар:

1. Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мувозанатлилик баҳоси – **y1**.

2. Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш даражаси индикатори – **y2**.

3. Рақобат муҳитини ривожлантириш индекси – **y3**.

4. Иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш индикатори – **y4**.

5. Худудларнинг ижтимоий ривожланиш ҳолати индикатори – **y5**.

Белгиланган омиллар бўйича Навоий вилоятининг ишбилармонлик ва бизнес муҳитини баҳолаш бўйича таклиф этилган (7) формуладан фойдаланиб, 1-жадвал маълумотлари олинди:

$$Mn=0,89y1+0,27y2+0,34y3+1,57y4+0,32y5 \quad (7)$$

1-жадвал

**Навоий вилоятининг инвестицион муҳити, ишбилармонлик муҳити ҳолати ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражаси индикаторларини баҳолаш натижалари**

№	Индикатор (кўрсаткич) нинг номи	2015	2016	2017	2018	2019
		йил y1	йил y2	йил y3	йил y4	йил y5
1.	Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мувозанатлилик индикатори	16	17	18	21	24
2.	Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш даражаси индикатори	7	9	10	11	14
3.	Рақобат муҳитини ривожлантириш индекси	10	11	11	11	12
4.	Иқтисодиётнинг хусусий секторини ривожлантириш индикаторлари	8	11	13	11	15
5.	Худудларнинг ижтимоий ривожланиш ҳолати индикатори	10	11	12	13	14
<b>Натижа (Mn)</b>		<b>10,2</b>	<b>11,8</b>	<b>12,8</b>	<b>13,6</b>	<b>15,8</b>

\*Муаллиф ҳисоб-китоби асосида тузилди.

Навоий вилоятининг инвестицион муҳити даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар бўйича баҳолаш натижаларига кўра, 2015-2019 йилларда деярли барча индикаторлар бўйича ўсиш тенденцияси кузатилмоқда ва бу, ўз навбатида, инвестицияларни худудда жалб этиш имкониятлари ўсиб боришига асосий сабаб бўлган.

Инвестициялар самарасини мезо даражада баҳолаш учун инвестиция мультипликаторидан фойдаланилади. Мультипликатор самараси коэффициенти Навоий вилоятининг иқтисодиёт тармоқларига киритилаётган инвестициялар ҳажмининг ўсиши орқали ЯҲМ ҳажми ўсишига эришилишини ифодалайди.

Навоий вилоятининг инвестициялари самарадорлигини иқтисодиётнинг турли соҳалари ривожланишига таъсирини баҳолаш учун эса, инвестицияларнинг иқтисодий ўсиш индикаторларига боғлиқлигини ўрганишни тақозо этади ва у, энг аввало, Навоий вилояти бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, инвестицияларнинг ўсиш суръати ва инвестициялар таркибида хорижий инвестициялар миқдори таҳлили орқали амалга оширилади (2-жадвал).

2-жадвал

2015-2019 йилларда Навоий вилояти бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, млн.сўм\*

Кўрсаткичлар	2015	2016	2017	2018	2019
Жамиинвестициялар	1809065,3	2963152,2	3977843,4	10579454	13753339,6
Инвестицияларнингўсиши, %	90,7	144,1	107,4	188	133,7
шу жумладан, хорижийинвестициялар, АҚШ доллари	54888,3	31266,5	75829,2	26162,1	34010,7

\*Вилоят молия бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

2-жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, 2015-2019 йилларда Навоий вилояти бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 2015 йилда 1809065,3 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 133 фоизга кўпайган. Хорижий инвестициялар ҳажми 2015 йилда 54888,3 млн. АҚШ долл.ни ташкил этган. 2019 йилга келиб пасайиш тенденцияси кузатилиб, 34010,7 АҚШ долл.ни ташкил этган бўлсада, 2018 йилга нисбатан қарийб 30 фоизга кўпайганлигини кузатишимиз мумкин. Инвестициялар ҳажмининг ошиб бориши кўплаб ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Инвестициялар маълум бир йиллар оралиғини (лағлар) ҳисобга олган ҳолда ЯҲМнинг ўзгаришига, иш ўринларини яратишга, ишчи кучи даромадаининг ошишига ва охир оқибатда талабнинг ошишига ва бу, ўз навбатида, корхона ва компаниялар (реал сектор корхонларининг) даромадининг кўпайишига олиб келади.

Иқтисодиётда ҳудудлар ривожланиши турлича бўлганлиги боис, бенчмаркинг усулини қўллаш таҳлил натижаларини янада аниқлаштиришга, оптимал қарорларни қабул қилишга сабабчи бўлади. 2015-2019 йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг динамикаси унинг шаҳар ва туманлари бўйича сезиларли тафовутларни юзага келтирган (3-жадвал).

3-жадвал

2015-2019 йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ўсиши, % да\*

	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.	2019й.
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>90,7</b>	<b>144,1</b>	<b>107,4</b>	<b>188,0</b>	<b>133,4</b>
Навоий шаҳри	179,2	197,4	86,3	166,7	145,7
Зарафшон шаҳри	28,6	148,2	206,8	317,7	171,2
Кармана тумани	122	84,9	134,6	189,9	137,2
Конимех тумани	89,1	98,2	68,6	118,2	132,2
Қизилтепа тумани	85,2	101,8	122	109,8	109,9
Навбахор тумани	93,2	102,2	58,2	115,7	119,3
Нурота тумани	94,6	94,9	112,3	122,2	119,5
Томди тумани	75,1	42,3	134,6	81,1	103,9
Учқудуқ тумани	60,3	170	170,4	211,5	144,2
Хатирчи тумани	74,8	91,6	91,9	108,7	119,1
Таксимланмайдиган ҳажми	24,8	15,1	16,5		

\*Вилоят молия бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.



3-жадвал маълумотларидан кўринишича, 2015-2019 йилларда Навоий вилояти бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ўсиш суръати 2015 йилда 90,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 133,4 фоизга кўтарилган. Бу даврда Навоий вилоятининг шаҳар ва туманлари таркибида энг юқори ўсиш суръати Зарафшон шаҳри (171,2 фоиз), Навоий шаҳри (145,7 фоиз), Учқудуқ тумани (144,2 фоиз), Кармана тумани (137,2 фоиз) зиммасига тўғри келган бўлса, бирмунча паст ўсиш суръатлари Томди туманида (103,9 фоиз), Қизилтепа туманида (109,9 фоиз) кузатилган.

Худудлар кесимида (туманлар) таҳлилларни давом эттирадиган бўлсак, қайси худуд қишлоқ хўжалигига ихтисослашган бўлса, ўз-ўзидан инвестицияларни ўзлаштириш ҳам паст кўрсаткични намоён этган. Инвестициялар ҳажмининг юқори бўлишлиги худуднинг саноатлашуви, инфратузилмаларнинг ривожланганлиги билан белгиланади. Аммо ҳозирги пандемия шаротида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини сифатли ва етарли ҳажмда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш бошқа соҳаларнинг ривожига қараганда аҳамиятли бўлиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳасига ихтисослашган худудларда 2020 йилдан эътиборан, давлат ва хусусий сектор вакиллари томонидан бошқа секторга қараганда кўпроқ инвестицияларни йўналтириш тенденция кучайиб бораверади.

Маълумки, пандемия тарқалмагунга қадар дунёда 820 миллион киши, яъни сайёрамизнинг ҳар тўққизинчи кишиси тўйиб овқат емасди. Шулардан 113 миллионининг ҳаёти очлик балоси туфайли қийин аҳволда эди. Коронавирус пандемияси оқибатида эса, қарийб 1 миллиард 600 минг киши очликка мубтало бўлиши ва 500 миллион киши қашшоқлар сафидан жой олиши мумкин. Бу эса, 2008 йилги инқироздан ҳам чуқурроқ иқтисодий инқироз авж олиши, шунингдек, жаҳонда қашшоқлик даражаси 1999 йилдан буён биринчи марта кескин ошиши мумкинлигидан дарак беради.

Эътибор қаратадиган бўлсак, дунё бозорида бир тонна буғдойнинг нархи бир тонна нефть нархидан қимматлаша бошлади.

Европа Иттифоқи ҳам саросима ичида қолиб, озиқ-овқат маҳсулотлари импорти учун тақдим этилиши лозим бўлган сифат сертификатининг асл нусхасини кўрсатмасдан электрон кўринишда киритиш мумкинлигига рухсат берди. Шунингдек, бирламчи маҳсулотлар учун “яшил йўлак”ларни ташкил қилиш тизимини бошлаб юборди.

Германия чегаралари ҳам карантин боис ёпилди ва қўшни давлатлардан қишлоқ хўжалигига жалб қилинадиган мавсумий ишчи кучининг кириши тўхтади. Бу эса, ҳосилни йиғиб-териш олиш, уни қадоқлаш ва истеъмол бозорига етказиш бўйича муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ўз-ўзидан, иккинчи чоракда озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кўтарилиши кузатилиши мумкин.

Италия ва Испанияда қаттиқ карантин ҳамда оғир эпидемиологик вазиятнинг давом этаётганлиги туфайли баҳорги дала ишлари батамом тўхтаб қолди. Олтита энг йирик буғдой ишлаб чиқарувчи давлатлардан бири бўлган Францияда вазият бундан-да кескинлигича қолмоқда.

Қўшни республикалар ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кўплаб иқтисодий ва маъмурий чораларни қўллашни бошлаб юборди. Хусусан, Қозоғистон ҳаётий зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларнинг барча тури учун

белгиланган ҚҚСни 8 фоизгача пасайтирди. Ўзбекистон эса 2020 йилнинг 31 декабрига қадар гўшт, ғалла, шакар, сўт, ёғ, тухум, макарон ва бошқа зарурий озиқ-овқат маҳсулотлар импортига қўйиладиган бож ва акциз солиқлари бекор қилинди.

Жаҳон озиқ-овқат бозорида юз бераётган қалтис вазиятларни олдиндан кўра билган ҳолда мамлакатимиз Президенти 2020 йил 14 апрель куни қишлоқ хўжалиги тармоқларини янада ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишини ўтказди. Унда бу йил қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси вакиллари учун катта синов ва кенг имкониятлар йили бўлиши таъкидланди. Зотан, пандемия ва карантин қанча вақт давом этишидан қатъий назар, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи камаймайди. Шунингдек, мева-сабзавотчилик ва чорвачилик тармоқларида маҳсулот етиштириш ҳажмини икки баробарга ошириш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистоннинг табиий-иқлим шароитидан келиб чиқиб, боғ ва тоқзорларда қатор оралари, такрорий майдонларнинг ҳар бир қаричидан самарали фойдаланиб, 2-3 марта ҳосил олишни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди.

Шунингдек, яна бир бир йўналиш бўлмиш, ўзлаштирилган ернинг ижара ҳуқуқи муайян озиқ-овқат турини етиштириш шарти билан 5-10 йилга сотиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Бундан тушган маблағ янги ерларни ўзлаштиришга сарфланиши белгиланди.

Маълумки, Озиқ-овқат хавфсизлиги индекси учта гуруҳ кўрсаткичлари таҳлили натижасида ҳисобланади. Булар: озиқ-овқат маҳсулотларига етишиш ва истеъмол қилиш даражаси; озиқ-овқат маҳсулотларининг мавжудлиги ва унинг етарлилиги; озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги даражаси.

2020 йилда ушбу глобал индексда драматик ўзгаришлар содир бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Пандемия оқибатида юзага келадиган иқтисодий-ижтимоий инқироз тўғрисида юқорида қайд этилган гуруҳлар таркибида озиқ-овқат маҳсулотларининг умуман мавжудлиги ва унинг етарлилиги бирламчи аҳамият касб этса керак. Бундай пайтда давлатлар томонидан инсонларнинг соғлиги ва уларнинг оч қолмаслигини таъминлашга хизмат қиладиган инқирозга қарши чораларда қишлоқ хўжалиги секторини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш механизмини ишлаб чиқиш, институционал ўзгаришлар орқали фермерлар, деҳқон хўжаликлари, томорқа хўжаликлари фаолиятини рағбатлантиришга урғу қаратиш муҳим ҳисобланади.

Бу борада Навоий вилояти бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдорига тегишли бўлган кўрсаткичлар таҳлилининг давом эттирадиган бўлсак, 2015-2019 йилларда Навоий вилояти шаҳар ва туманларининг асосий капиталга киритилган инвестициялардаги иштироки ва унинг улуши ҳам турлича бўлган (4-жадвал).

2019 йилда Навоий вилояти бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмида шаҳар ва туманлар иштирокининг таҳлили шуни кўрсатадики (4-жадвал), улуши юқори бўлган ҳудудларга Навоий шаҳри (42,1 фоиз), Зарафшон шаҳри (25,7 фоиз), Кармана тумани (13,1 фоиз) кирса, улуши паст бўлган ҳудудларга Томди тумани (0,4 фоиз), Конимех тумани (1,1 фоиз), Нурота тумани (1,2 фоиз), Хатирчи тумани (2,8 фоиз) киради. Инвестициялар асосан ишлаб чиқариш ресурслари мавжуд бўлган, инфраструктураси ривожланган ва юқори урбанизацияга эга бўлган ҳудудларга кўпроқ кириб келади.

2015-2019 йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар, жамига нисбатан улуши,%да\*

	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.	2019й.
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
Навоий шаҳри	44,2	61,1	47,3	42,3	42,1
Зарафшон шаҳри	6,9	7,2	14,8	25,3	25,7
Кармана тумани	16,7	10,0	13,4	13,7	13,1
Конимех тумани	2,8	2,0	1,4	0,9	1,1
Қизилтепа тумани	5,3	3,8	5,2	3,1	3,1
Навбахор тумани	6,4	4,6	2,8	1,8	1,9
Нурота тумани	2,4	1,6	2,1	1,4	1,2
Томди тумани	1,9	0,6	0,9	0,4	0,4
Учқуду қтумани	3,8	4,6	7,7	8,7	8,1
Хатирчи тумани	6,6	4,3	4,4	2,6	2,8
Таксимланмайдиган хажми	3,0	0,3	0,03	0,0	0,0

\*Вилоят молия бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Умумий вилоят кўрсаткичи бўйича улуши паст бўлган ҳудудларда жон бошига тўғри келадиган ЯҲМнинг камлиги, аҳоли турмуш даражасининг ўртачадан пастлиги ва ишсизлик муаммосининг кескинлигидан дарак беради. Ўз-ўзидан буларнинг барчаси ҳудуд инвестицион жозибадорлигига, солиқ ва бошқа турдаги мажбурий ажратмалар ҳисобига шаклландиган бюджет маблағларигасалбий таъсир кўрсатади. Бенчмаркинг усулидан фойдаланиб таҳлилларни давом эттирадиган бўлсак, ҳудудларнинг нотекис ривожланиши оқибатида ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кескинлашуви, хусусан камбағалликнинг авж олиши, турли кўринишдаги жиноятлар ва тартибсизликларнинг вужудга клишига сабаб бўлади.

Умуман, 2015-2019 йилларда Навоий вилояти бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, инвестицияларнинг ўсиш суръати ва инвестициялар таркибида хорижий инвестициялар миқдори таҳлили қуйидаги жадвалда акс этган (5-жадвал).

5-жадвал маълумотлари таҳлиliga эътиборни қаратадиган бўлсак, Навоий вилоятида давлат лойиҳаларга киритилган жами инвестициялар ҳажми вилоятга киритилган инвестициялар ҳажмига нисбатан 33,2 фоизни ҳамда чет эл кредитлари ва инвестициялари ҳажми эса жамига нисбатан 23,5% (чет эл кредитлари ва инвестициялари ҳажмининг 69,2%)ни ташкил этган.

2015-2019 йилларда Навоий вилояти бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари таҳлилининг кўрсатишича, 2015 йилда давлат бюджети маблағлари 49,7 млрд. сўмни, ташкилот ва аҳоли маблағлари 1100,24 млрд. сўмни, тижорат банклари кредитлари 169,17 млрд. сўмни, чет эл

кредитлари ва инвестициялари 54,89 млрд. сўмни, бошқа манбалар 435,06 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, энг юқори улуш ташкилот ва аҳоли маблағларига тўғри келган (60,8 фоиз). 2019 йилда давлат бюджети маблағлари 418,89 млрд. сўмни, ташкилот ва аҳоли маблағлари 5095793,4 млн. сўмни, тижорат банклари кредитлари 1606,98 млрд. сўмни, чет эл кредитлари ва инвестициялари 1024,8 млрд. сўмни, бошқа манбалар 10140,6 млрд. сўмни ташкил этган.

#### 5-жадвал

#### 2015-2019 йилларда Навоий вилоятида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларига кўра тақсимланиши, млрд. сўм

Йиллар	ЯҲМ	Жами инвестициялар	Давлат бюджети	Ташкилот ва аҳоли маблағлари	Тижорат банклари кредитлари	Чет эл кредитлари ва инвестициялари	Бошқа манбалар
2015	10207,9	1809,06	49,70	1100,24	169,17	54,89	435,06
2016	11581,9	2963,15	145,12	148,68	186,86	152,47	997,03
2017	14232,2	3977,84	201,98	1850,67	435,26	962,46	527,47
2018	22132,2	10579,45	75,95	3919,84	634,24	3597,98	2351,44
2019	36685,2	17775,3	418,89	1606,98	4584,03	1024,8	10140,6
2019 йилда 2018 га нисбатан ўзгариш, марта	1,65	1,68	5,51	0,4	7,22	0,28	4,31

Шуни қайд этиш лозимки, инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши орқали ривожланиш суръатларига баҳо берилади. Халқаро тажрибага кўра асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг жами ҳажми ЯИМнинг 25 фоизи ва ундан кам бўлмаганда иқтисодий ўсиш намоён бўлади. Иқтисодиётга киритилган инвестициялар ўша йилнинг ўзида ижобий ўзгариш қилмаса-да маълум бир йиллар ўтгандан сўнг (лагларни инобатга олган ҳолда) ЯИМнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Ҳудудлар кесимида яратилаётган жами бойликнинг ишлаб чиқарилиши учун ҳам инвестициялар муҳим, айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар. Нимага деганда, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар орқали замонавий техника ва технологиялар, янги билимлар кириб келади. Бу эса, ўз навбатида, капитал ва меҳнат ресурсларининг унумдорлигини ошишига ва пировардида бир-бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадаган харажатларнинг пасайишига имкон яратади.

2015 йилда Навоий вилоятида яратилган ЯҲМнинг умумий қиймати 10207,9 млрд. сўмни ташкил этган бўлса (5-жадвал), ушбу йилда АК киритилган инвестициялар ЯҲМнинг 17,7 фоизини ташкил этган. Ушбу қиймат умумқабул қилинган меъёрлардан паст бўлсада, йиллар ўтиши билан унинг самарадорлиги/натижадорлиги ошиб борганлигини кўришимиз мумкин. Навоий вилоятида жойлашган йирик корхоналар нафақат ҳудуд кесимида балки республика миқёсида ҳам монопол ҳокимиятга эга компаниялар ҳисобланади. Биргина Навоий КМК юртимизда жами истеъмол маҳсулотларининг 10 фоизини ва бюджет даромадининг 18 фоизини таъминлайди. Айни дамда, комбинатда 54 мингдан зиёд ходим меҳнат қилмоқда. Бугунги кунда комбинатнинг баланси қиймати 1,3 миллиард АҚШ

долларини ташкил қилсада, унинг бозор нархи 11 миллиард АҚШ долларга тенг деб баҳоланмоқда[18].

2018 йилда бошқача тенденция ва молиялаштириш манбалари кесимида ҳам номутаносибликни кузатиш мумкин. Молиялаштириш манбаларида энг катта ўсиш чет эл кредитлари ва инвестицияларига тўғри кеиб, 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 3,7 баробарга ўсган. Бундай катта миқдордаги ўсишга Навоий КМКда 1,2 миллиард АҚШ долларига тенг 8 та объектнинг ишга тушурилганлиги ҳамда "Навоийазот" АЖ томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар ҳисобига кескин ошганлигини эътироф этиш лозим. Мазкур лойиҳаларнинг самарали татбиқ этилиши ҳисобига охириги уч йилда олтин ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 фоиз, кумуш олиш 37 фоизга кўпайган.

Маълумки бирор бир ҳудудда йўналтирилган инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолашда жаҳон амалиётида ICOR (Incremental Capital-Output Ratio) индексидан фойдаланилади (ялпи ички ёки ялпи ҳудудий маҳсулот ўсишининг капитал сиғими). У қуйидагича аниқланади:

$$ICOR = \frac{I}{YHM} * 100\% \\ \Delta YHM\%$$

Буерда:

I – асосий капиталга киритилган инвестициялар;

YHM – ЯҲМ ҳажми;

$\Delta YHM\%$  – ЯҲМ миқдорининг ўсиш суръати, фоизда.


ICOR индекси қанчалик паст бўлса, ҳудуднинг иқтисодий ўсишида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлади. Бу ерда ҳудуднинг иқтисодий ўсишида инвестицияларнинг аҳамияти юқорилигини, ўзлаштирилган ҳар бир бирлик инвестиция ўзидан олдинги даражадан юқори бўлган миқдорда маҳсулот яратиш имконини беради. Бу эса мавжуд ҳолатда иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишни янада кучайтириш кераклигини тақозо этади.

ICOR индекси қанчалик юқори бўлса, ҳудуднинг иқтисодий ўсишида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги паст бўлади. Бу эса, ҳудуднинг иқтисодий ўсишида инвестицияларнинг аҳамияти пастлигидан гувоҳлик беради, ўзлаштирилган хорижий инвестициялар билан иқтисодий ўсиш ўзаро мувофиқлашмаганлигидан дарак беради.

2016 йилда Навоий вилоятида ICOR индекси 1,8 ни ташкил этган бўлса, аммо 2017 йилда 9,1 ни ташкил этган. Индустриал ривожланган мамлакатларда бу индекс 2,5 ни ташкил эташи мақбул ҳолат эканлиги қайд этилган. Кўриниб турибдики, ушбу йилларда киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръати ЯҲМнинг ўсиш суръатидан юқори бўлган. Бу албатта, юқорида таъкидлаганимиздек, ҳудуднинг иқтисодий ўсишида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги паст эканлигини намоён этади. Кейинги йилларда, яъни 2018 йилда ICOR индекси 4,1 ва 2019 йилда 1,5 ни ташкил этиб, сифат жиҳатидан халқаро меъёр даражасига эришган.

### **Таклифлар**

Амалга оширилган таҳлиллар ва олиб борилган тадқиқот натижасига кўра инвестицияларнинг иқтисодиёт ривожланишига таъсирини баҳолаш модели ишлаб чиқилди (2-расм).



**2-расм. Ҳудуд инвестицион жозибдорлигининг унинг иқтисодиёти ривожланишига таъсирини баҳолаш модели**

Навоий вилоятига жалб этилган инвестицияларнинг ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатига таъсирини баҳолаш, тизимли тенгламалар модели орқали олинган натижалар қўйидагиларни аниқлаш имконини берди:

-Навоий вилоятида инвестициялар ҳисобига ҳудудий ривожланиш индикатори ҳисобланган аҳоли истеъмоли ўсиши жами олинган самаранинг 0,32 коэффициентини ташкил этмоқда. Ушбу ҳолат вилоятга жалб этилаётган инвестициялар аҳоли истеъмоли ўсишига таъсир кўрсатаётганлигини билдирмоқда. Ўз навбатида, ушбу ҳолат аҳолининг жамғармаларини инвестицияларга йўналтиришдаги салмоғини ошириш ҳолатларини юзага чиқарган; инвестициялар ҳисобига ҳудудий ривожланиш индикатори ҳисобланган чакана савдонинг ривожланиши (реал талабни ўсиши) 52 фоизни ташкил этиб, юқори самара кузатилган;

-инвестициялар ҳисобига ҳудудий ривожланиш индикатори ҳисобланган ташқи савдонинг ривожланиши 1,53 коэффициентни ташкил этмоқда. Бу эса, ҳудудга жалб

этилатган инвестициялар ташқи бозорга ҳам қаратилаётганлигини асосламоқда. Айниқса, хорижий инвестицияларни жалб этишга қаратилган мақсадли дастурларнинг бизнес эркинлиги асосномалари домий назоратга олингани, ушбу ҳолатни юзага чиқарган. Бироқ, Навоий вилоятининг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган инвестициялар кўламини янада кенгайтириш заруратини модел натижалари асослади;

-инвестициялар ҳисобига ҳудудий ривожланиш индикатори ҳисобланган аҳоли даромадлари кўпайиши 1,63 коэффициентни ташкил этиб, энг юқори натижа кўрсатмоқда. Ушбу ҳолат жалб этилган инвестициялар вилоят аҳолисининг даромадларини оширишда асосий омил бўлмоқда ва ижобий ҳолат сифатида баҳолаш ўринли;

-инвестициялар ҳисобига ҳудудий ривожланиш индикатори ҳисобланган бюджетга тушумларни ошириш инвестицияларнинг ҳисобига 0,33 коэффициентни ташкил этиб, ўртача даражада ривожланмоқда.

Таҳлил натижаларига кўра, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида инвестицияларнинг юқори даражадаги самараси кузатилади ва Навоий вилоятига жалб этилган инвестицияларнинг умумий мультипликатор самарасининг коэффициенти 2019 йилда 15,8 ни ташкил этди. Ушбу ҳолат вилоятга жалб этилаётган бир сўмлик инвестициялар вилоятга кўшимча 15,8 сўмлик синергетик самарани олиб келиши аниқланди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдусаломов М. О целях и методологических основах региональной политики. Научно-исследовательский центр “Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана” при ТГЭУ. – Ташкент, 2015 г.

2. Ахмедов Т.М. Регулирование территориальной организации производительных сил и комплексного развития регионов Узбекистана. – Т.: ФАН, 1992 г.

3. Солиев А.С. Иқтисодий география назария, методика ва амалиёт. Монография. – Т.: “Камалак”, 2013 й.

4. Эгамбердиев Ф.Т. Иқтисодий назарияси, ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия нашриёти, 2014 й.

5. Имамов Ш.Б. Регулирование территориального развития экономики Узбекистана: Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. - Т., 1993

6. Назаров Ш.Х. Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов / Диссертация. - Т.: IFMR, 2014.

7. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари: Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2002.

8. Каримов Н.Ғ. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари: 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2007.

9. Юлдашев Р.З. Совершенствование управления инвестиционным обеспечением приватизированных предприятий Узбекистана: Дисс.докт. экон. наук. –

Т., 2010.

10. Додиев Ф.Ў. Инвестицион фаолиятни молиявий рағбатлантириш: Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 1998.

11. Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2008.

12. Ражаббаев Ш.Р. Ўзбекистон валюта сиёсатининг хорижий инвестицияларни жалб этишга таъсири. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2008.

13. Мустафакулов Ш.Э. Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSC) диссертацияси автореферати. – Т.: Ўз.Р.Банк молия академияси. 2017 й.

14. Мадраҳимов У. Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш сифатини ошириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSC) диссертацияси автореферати. Тошкент 2017 й. 68 б.

15. Сабиров А. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестициялар жалб этишни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш. Дисс. кан. экон. наук. - Т., ТДИУ, 2009.;

16. Абдурахимова С.А. Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солиш. И.ф.н. дисс. – Т.: ТДИУ, 2012;

17. Эргашев А.Ҳ. Ҳудудларнинг инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш истиқболлари (Фарғона вилояти мисолида) (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2018

18. “Янги Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий газетаси, №29 (29), 2020 йил 5 март.

19. <https://stat.uz/uploads/docs/investitsiya-yan-dek-2017uz.pdf>